


Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасида эълон қилинган коммунизмнинг улғу идеаллари — барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодат идеаллари барча мамлакатларнинг халқларига тамомла аён бўлиб қолди... Барча халқлар учун муқаддас бўлган бу принциплар Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг янги Конституциясига асос қилиб олинган лозим.

Н. С. ХРУЩЕВ.

МУҚАДДАС ХУҚУҚИМИЗ



МЕХНАТ ҚИЛАМИЗ. «Ўзбекхлопкомаш» заводининг ёш тоқари А. Уринбоев меҳнат қилиш ҳуқуқидан фойдаланиб, эл-юрт манфаатлари йўлида фидокорона ишлаётир.



ДАМ ОЛАМИЗ. Ишчилар Тошкент тўқимачилик комбинатининг дам олиш уйида ҳордиқ чиқармоқдалар.



БИЛИМДОН БУЛАМИЗ. Политехника институтининг 5-курс студенти Ж. Саъдуллаева ўқиб ўрганиб, лабораторияда шуғулланыпти.



ТЕКИН ДАВОЛАНАМИЗ. Пойтахтимизнинг Фрунзе районидagi даволаш клиникаси. Меҳнаткашлар бу ерда бепул даволанишади.

В. САЛОВ фотолари.

ДЕМОКРАТИЯМИЗ БАЙРОҒИ БАЛАНД ҲИЛПИРАМОҚДА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

БАХТНОМА

М. ВОСИҚОВА,
Ўзбекистон ССР Олий
Совети Президиуми юридик
бўлимининг бошлиғи

да совет халқи коммунистик жамият куриш кенг авж олдирилган даврда яшамокда. КПСС Программасида айтилганидек, социалистик давлат ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйди. Давлатнинг социалистик жамият меҳнатчилари илг умулхалқ ташкилотига ўсиб ўтиш процесси бошланди. Пролетар демократияси умумхалқ социалистик демократиясига айланди. Совет Иттифоқининг халқаро аҳоли ҳам кескин ўзгарди. Капиталистик куршов йўли бўлиб, қудратли социалистик давлатларнинг буюк ҳамкорлиги вужудга келди ва мустақамланди.

Янгидан қабул қилинадиган Конституция коммунистик жамият кураётган совет халқининг Конституцияси эканлигини ва, умуман, 1936 йилдан кейин совет халқи шонли партиямиз раҳбарлигида қўлга киритган тарихий ютуқларини ўзида акс эттирмоғи лозим.

Авалги Конституцияга давр талаби билан бир қанча қўшимча ва ўзгаришлар гарчи киритиб келинган бўлса ҳам, лекин у мамлакатимизда келажик даврларда бўй берган жуда катта иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳалардаги ўзгаришларнинг ҳаммасини қамраб ололмади. Ҳозирги янги тарихий шароитда социалистик давлатнинг янги Конституциясини яратиш ва қабул қилиш зарурати туғилиб қолди.

Янги Конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш учун КПСС Марказий Комитетининг тақлифига мувофиқ ўртоқ Н. С. Хрушчев раҳбарлигида махсус комиссия тўзилади. Бу янги Конституция умумхалқ социалистик давлатнинг Конституцияси бўлади. Унда совет жамияти ва давлат тараққиётининг янги босқичи ўз ифодасини топади, социалистик демократия тағин ҳам юқори босқичга кўтарилади. Шундай қилиб, совет жамиятининг коммунистик ўз-ўзини бошқаришга ўттиш учун барча зарур шароитлар яратилади.

Ҳозирги вақтда биз мамлакатимизда коммунистик жамият куришнинг вужудга келмай, балки миллион-миллион кишиларнинг, оддий совет меҳнаткашларининг меҳнати, куч-ғайрати ва ақл-идроки билан барпо қилинаётир. Демак, коммунистик меҳнатсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Партиямиз Программа с и д алоҳида уқидиб ўтилганидек, коммунизм даврида барча кишилар жамиятга тенг маънага эга бўладилар, ишлаб чиқариш воситаларига бир хил муносабатда бўладилар, тенг меҳнат ва тақсимот шароитларига эга бўладилар ҳамда жамоат ишларининг бошқаришда актив қатнашадилар. Бу даврда комму-

нистик жамият кишиларига хос фазилатлар: юксак коммунистик онглилик, меҳнатсеварлик ва интизом, жамият манфаатларига садоқат ва бошқа олижаноб ҳислатлар янада кенг шакллана боради.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқимизни коммунизм курилишида янгидан янги ғалабаларга руҳлантирмоқдалар, мамлакатимизда коммунистик мўл-кўдчилликни вужудга келтириш учун барча зарур чораларни кўрмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми ҳам худди ана шу мақсадга қаратилгандир. Партия органларини коммунистик курилиш вазифаларига мувофиқлаштириб қайта қуриш, саноат ва курилиш бошқарилиши тақомиллаштириш, давлат планлаштириш ишларини янада яхшилаш, бошқарилишнинг демократик принципларини риёжлантириш, партия-давлат контролнинг ленинча принципларини қайта тиклаш ва бошқа ҳаётий муҳим масалалар Пленумда атрофлича муҳокама қилиниди ҳамда тегишли талбирлар белгиланди. Пленумда ишлаб чиқилган вазифаларни муваффақиятли равишда бажариш, коммунистик курилишнинг жадаллаштириш ҳамда мамлакатимизда махсуслотлар мўл-кўдчилигини вужудга келтириш имкониятларини яратди.

Ленинчи партиямиз давлат ҳамда хўжалик ишларини демократик асосда бошқарилишнинг илғилик билан риёжлантиришда Ваҳоданик, шахсга сиғиниш даврида бошқарилишнинг демократик асослари қўпол равишда бўзилган эди. Сталин кенг халқ оммасига ишюмас, улар билан масахатлашганини истамас эди. У партияга эмас, балки давлат жаза органдарига таъинган ҳолда иш олиб борарди.

КПСС шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиб, партия ва давлат ҳаётининг ленинча нормаларини қайтадан тиклади ҳамда партия, давлат ва хўжалик аппаратларининг барча соҳаларида коллективлик ва интизомни амалга оширди. Коммунистик партия Советлар мамлакатини бошқаришга кенг меҳнаткашлар оммасини актив равишда жалб қилмоқда ва уларнинг ердмига таянмоқда. Партия мамлакат ҳаёти учун зарур бўлган барча масалаларни халқ билан бамаслашқ ҳал қилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам унинг омма ўртасидан таъсири ва обрўси тобора ортиб бораётир.

Дунёда энг демократик бўлган совет социалистик демократияси мамлакатимиздаги ҳар бир киши учун жуда катта ҳуқуқлар ҳамда интизомларни бериб қўйган. Бу ҳуқуқ ва интизом бамаслашқ ҳал қилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам унинг омма ўртасидан таъсири ва обрўси тобора ортиб бораётир. Дунёда энг демократик бўлган совет социалистик демократияси мамлакатимиздаги ҳар бир киши учун жуда катта ҳуқуқлар ҳамда интизомларни бериб қўйган. Бу ҳуқуқ ва интизом бамаслашқ ҳал қилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам унинг омма ўртасидан таъсири ва обрўси тобора ортиб бораётир.

ЮКСАЛИШ ФАРОВОНЛИК

● 1962 йил 18 мартда давлат ҳожиётининг олий органи саставига сайланган 1443 депутатнинг ҳаммаси ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва совет интеллигенциясининг вакиллариридир. Шулардан 646 депутат ҳозирги вақтда бевосита ишлаб чиқариш билан машғул.

● Партиямиз давлатни бошқариш мақтабини меҳнаткашлар оммасининг тобора кенг қатламлари ўтиши йўлини тутмоқда. Шу йил март ойидаги сайловларда СССР Олий Советининг састави 70 процентга ўзгарди. 1007 депутат биринчи марта сайланди.

● СССР Олий Советининг састави кўп миллатлидир. Унда 56 миллат ва халқ вакиллари ишлаб турмоқда.

● Меҳнаткашлар депутатлари Советларида 2 миллионга яқин депутат хизмат қилмоқда.

● Мамлакатимиздаги ҳамма ишчилар ва хизматчилар 7 соатлик ва 6 соатлик иш кунига қўйрилган.

● Совет Иттифоқида ўтган йили аҳоли жамоат истеъмол фондидан 26,4 миллиард сўм олди. Бу эса 1960 йилдаги нисбатан қариб 2 миллиард сўм орттирди.

● Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги ҳар тўрт кишидан бири таълим олмоқда. Олий ўқув юртида 2 миллион 600 минг студент фан асосларини ағалламоқда.

● Жуда кўп соҳалар бўйича мутахассислар ва даставвал инженерлар етиштиришда Совет Иттифоқи жаҳонда биринчи ўрини ағаллаб турибди.

● Мамлакатимизда азж олган коммунистик меҳнат ҳаракатида 20 миллиондан орттик киши ва хизматчи иштирок этмоқда.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

У кун сира ёдимдан чиқмайди. 1959 йил эди. Мени Октябрь район Советига депутат қилиб сайлашди. Кишилар шу кунини мендай оддий меҳнаткаш овоз беришди. Шу кунини халқ ишончига сазовор бўлганимни ҳис қилгач, ўзимни энг бахтиёр киши деб билдим.


Кишилар мени ўз депутатлари қилиб сайлашган экан, демак, мен бу улғу ишончин оқлашим керак. Мен дастлабки кундан оқ шу ишончин оқлаш йўлида иш бошладим. Кишилар юрагига йўл топишга, турли масалалар билан менига мурожаат қилган сайловчиларимга қўлимдан келганича ердми беришга ҳаракат қилдим. Бир кун Собир Раҳимов кўчасида яшовчи тўрт болани аёл менга мурожаат қилиб, уй-жойга жуда муҳтож эканлигини айтиб, ердми сўради.

Федосеванинг уйига бордим. Дарҳақиқат яшаб турган уйи ноқулай, унга албатта нартирла олиб бериш керак эди. Ўз фикримни ёзма равишда район ижроия комитетига билдирдим. Мен қувватланди. Аёлга шинамга янги уй олиб бердик. Ушанда бу меҳнаткаш аёлнинг мента бўлган миннатдорчилиги ва қувончини кўрсатди эди...

Бундай мисолларни анчагина келтира олишим билан фарҳанаман. Бу менинг вазифам, депутатлик бурчим. Хилма-хил кишиларга дуч келаман. Биринининг ремонт қилиб берилишини сўраса, иккинчиси курилиш учун материал сўрайди. Ана шундай пайтда масалалар бефарқ қараб, «хўп» деб қўйиш билан ҳислансанг, сенга ишониб, учрашган сайловчи анча вақт кутадиган натижа бўлмаса, яна юради. Хуллас бекорга оғир бўлади. Ўнг муҳими, кишиларини оғир қилмаслик. Илҳон бўлмаса жаъобини аниқ қилиб вақтда айтиш керак.

Мен ҳозир ҳам қўйишча уй-жой масаласи ва ободончилик ишлари билан шуғулланаман. Ишдан бўш вақтимни доимо район ижроия комитетига ўтказаман. У ерда ҳар қачон менига иш топилади. Менден оддий меҳнаткашга қўйиш ишониб, шу вазифани топириб қўйган экан, эл хизматига доим тайёрым.

О. РАҲИМХҲАЕВ.
Октябрь район Советининг депутаты.



НАМУНАЛИ ТЎҚУВ ФАБРИКАСИДА

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ
НОВИЕ ЧЕРЕМУШКИДАГИ ТЎҚУВ
ФАБРИКАСИНИ БОРИБ КЎРДИЛАР

Свердлов номидаги Москва шойи комбинатининг тажриба — намунали тўқув фабрикаси катта уй-йи бинолари курилатган Новие Черемушки районига жойлашган.

Бу янги тўқимачилик корхонасининг лойиҳаси қисқа муддат ичида тузилди ва корхона биноси куриди. Фабрикани 5-«Мосстрой» трестининг, «Главмосстрой» ва РСФСР Курилиш министрлиги ихтисослашган ташкилотларининг буюккорлари барпо қилди. Улар саноат бинолари куриш практикасида кўпгина янгиликлар киритдилар. Г. И. Воронов, А. П. Кирилленко, А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Д. С. Полянский, М. А. Суслон, Н. С. Хрушчев, Л. Н. Ефремов, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, А. П. Рукавов, В. И. Поляков, А. Н. Шеленин ўртоқлар 3 декабрда фабрикани бориб кўрдилар.

Фабрикани кўздан кечириш вақтида КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Н. Г. Егоричев ва Москва шаҳар Халқ хўжалик кенгашининг раиси В. Ф. Янгилан ҳозир бўлдилар.

Н. С. Хрушчев Коммунистик партия ва Совет ҳукуматиининг бошқа раҳбарлари билан бирга ёп-ёруғ ва жуда катта ишлаб чиқариш залига кирди.

Комбинат директори В. К. Коробов бу аjoyиб корхонанинг машина-ускуналари билан таништирди.

Фабрикада технология операциялари максимал равишда механизациялаштирилган. Бу ерда 600 та автомат тўқув станоклари ўрнатилган. Хатто тайёрлов ишларида ҳам қўл меҳнатини ақли машиналар бажарди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ҳавонини қондириш қилдиган аппаратларга қизиқиб қаради. Бу аппаратлар тўқимачилар учун «об-хавонини» ҳамиша бир маромада сақлаб туради. Бу ерда ҳарорат доимо 22 градусдан ошмаган бўлмайди. Бошқа тўқув фабрикаларидаги нисбатан бу фабриканинг ишлаб чиқариш биносидан шовқини анча кам.

Партия ва ҳукумат раҳбарлари тўқувчи С. Н. Петушкова бошқараётган станоклар группаси олдида келдилар. Никита Сергеевич шу тўқувчи аёлдан, сиз илгари қайси корхонада ишлаган эдингиз, деб сўрайди.

— Мен илгари «Персть-сухо» фабрикасида ишлар эдим. Мана энди бу корхонага ишга кирдим.

— Қалай, бу жой сизга маъқулми?

— Жуда ҳам маъқул, Никита Сергеевич. Бундай фабрикада тағин ҳам яхшироқ ишлагини келди...

Партия ва ҳукумат раҳбарлари фабриканинг махсуслот намуналари қўйилган кабинетга кирдилар. Бу ерда улар ранг-ранг товланиб турган чиройли газламаларнинг жуда кўп нусхаларини кўздан кечиридилар.

Н. С. Хрушчев ҳамда партия ва ҳукуматиининг бошқа раҳбарлари фабрика ишчиларининг маиший шароити билан танишиллар. Улар замонавий ускуналар билан жиҳозланган ошхонани кириб кўрдилар.

Корхона ишчилари ўртоқ Н. С. Хрушчевини, партия ва ҳукумат раҳбарларини ҳамма жойда табриқлаб кутиб олди. Никита Сергеевич уларга меҳнатда ва шахсий ҳаётда янги муваффақиятлар тилади ҳамда янги фабрика халқимиз учун чиройли, пишши газламаларни кўпроқ ишлаб чиқаради, деб умид билдирди. (ТАСС).

ХУШ КЕЛИБСИЗ, ЮГОСЛАВИЯЛИК ЎРТОҚЛАРИ

МОСКВА, 4 декабрь. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг тақлифига биноан, дам олиш учун бугун Совет Иттифоқида Югославия Федератив Халқ Республикаси президенти Иосип Броз Тито келди.

Киев-вокзалида ҳурматли меҳмонни, рафиқасини ва қардош югослав халқининг у билан бирга келган бошқа вакиллариини КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев рафиқаси билан, А. Н. Косигин рафиқаси билан, А. И. Микоян, Ю. В. Андропов, В. П. Брежнев ўртоқлар, СССР министрлари, шаҳар меҳнаткашлари вакиллари кутиб олдилар.

Суратда: З. Кушанбоева.
А. Абалян фотолари.

